



КУРОНИ КАРИМНИ ТУШУНИШДА БАЛОҒАТ ИЛМИНИНГ АХАМИЯТИ

Н.Абдумуталибов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломшунослик мутахассислиги 1-курс магистранти
nodirbekabdumutalibov7045@gmail.com

Ш.Умаралиев

Илмий раҳбар :
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14748912>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-Yanvar 2025 yil
Ma'qullandi: 24- Yanvar 2025 yil
Nashr qilindi: 27- Yanvar 2025 yil

KEY WORDS

балоғат илми, Абдулқохир
Журжоний, ташбеҳ , истиора,
маоний, байон, бадий.

ABSTRACT

Мазкур мақолада балоғат илмининг ахамияти ва унинг Қурони Каримни тушунишдаги ўрни ҳақида сўз юритилади. Балоғат илмида ёзилган китоблар ва шу соҳада машҳур бўлган олимлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилади.

Балоғат илми араб тилидаги ифода услубларини, гўзаллик ва маъно сирларини ўрганган фан бўлиб, унинг тарихи араб тафаккурининг ривожланиши билан боғлиқ. Бу илмнинг шаклланиши бир неча босқичлардан ўтган. Балоғат илми бир неча босқичларда ривожланган. Жоҳилият даврида балоғат табиий истеъдод ва туғма қобилият асосида намоён бўлган. Унга оид қоидалар ёзилмаган бўлсада, шеър ва нотикликда очиқ кўриниб турган. Масалан, Имрул Қайс ва Зуҳайр ибн Абу Салама каби шоирларнинг шеърларида ташбеҳ ва истиоралар кенг қўлланилган.

Тарихдан маълум, ҳар бир пайғамбарга одамлар иймон келтиришлари учун ўз замонасида машҳур бўлган ишлар мукаммал берилган. Бунга мисол: Мусо алайҳиссалом даврида сеҳр кенг тарқалгани учун сеҳр, Исо алайҳиссалом даврида табобат ривожлангани учун табобатнинг мукаммал кўринишлари берилган. Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар сифатида юборилишлари араб шеърияти чўққига чиққан даврга тўғри келди. Шеър билан машҳур бўлган араблар Қурони Каримнинг назмий баёни олдида, қисқа сўзлар билан кўп нарсаларни ифода этишида ва бунга ўхшаган кўп мўъжизалари олдида ожиз қолдилар ва кўплари иймон келтирдилар.

Қуръон нозил бўлиши билан балоғат араб тилида энг юқори чўққисига етди. Қуръондаги баёний ва балоғат мўъжизаси арабларни ҳайратга солди. Қуръоннинг балоғати ва мўъжизалари шеър ва нутқ соҳибларини унга тенг келишга ожиз қолдирди. Ушбу даврда балоғат асосан Қуръон ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларининг ифода услубларини тушунишга йўналтирилган.

Асосий қисм. Балоғат илми ҳам бошқа илмларга ўхшаб алоҳида илм ҳисобланмаган. Пайғамбар алайҳиссалом даврида саҳобалар араб шеъриятдан хабардор бўлганлари учун Қурони Каримни тушунишда кўплаб муаммоларга дуч келмаганлар. Вақтлар ўтиб, Ислом дини ёйилишни бошлагач, араб бўлмаган қавмлар ҳам мусулмон бўла бошладилар. Улар

араб тилини ўрганишларига қарамай, Қуроннинг фасоҳатини тушунишда кўплаб муаммоларга дуч кела бошладилар ва араб тили грамматикаси, яъни сарф ва наҳв каби балоғат илмида ҳам китоблар таълиф қилина бошлади.

Балоғат илми ҳақида биринчи китоб ёзган олимлардан бири Абдулқоҳир Журжоний (ваф. 471/1078 й.) бўлиб, у ушбу илмнинг асосчиси ҳисобланади. У балоғат илмини мустақил фан сифатида шакллантирган ва икки муҳим китоб ёзган: “Далоилу-л-иъжоз” (Эъжоз далиллари) ушбу китобда у мано илми (илм ал-маони) ва наҳв илми (грамматика)ни ўрганиб, улар Қуръоннинг балоғати ва иъжозига қандай таъсир кўрсатишини кўрсатган. У “назм” (сўзларни ва ибораларни тартибга солиш) тушунчасига алоҳида эътибор қаратган ва унинг ифода гўзаллигига таъсирини таҳлил қилган. “Асрору-л-балоға” (Балоғат сирлари) бу китобда у ташбеҳ (ўхшатиш), истиора (метафора), киноя каби тасвирий воситаларни ўрганган ва уларнинг ифодадаги ўрни ва таъсирини ёритган. Абдулқоҳир Журжоний балоғат масалаларини биринчи бўлиб муҳокама қилмаган бўлсада, у ушбу илми мустақил фан сифатида шакллантириб, унинг тамойилларини аниқ қоидаларда асослаб берган.

Абдулқоҳир Журжонийдан олдин а айрим олимлар балоғатга тегишли масалаларни Қуръон ва адабиётларни ўрганиш доирасида кўриб чиққанлар. Масалан, Жоҳиз (ваф 255/866 йил) “Баян ва Табйин” китобида Ифода (баян) тушунчаси ва унинг аҳамияти ҳақида ёзган. Фасоҳат ва балоғатни умумий равишда таҳлил қилган, лекин аниқ қоидалар ишлаб чиқмаган. Қудома ибн Жаъфар (ваф337/948йил) “Нақд аш-Шеър” китобида шеърдаги тасвирлаш, ташбеҳ каби баъзи балоғат тамойилларини муҳокама қилган.

Абдулқоҳир Журжоний ва ундан олдинги олимлар ўртасидаги фарқ шундаки Абдулқоҳир Журжонийдан олдин олимлар балоғатни умумий маънода муҳокама қилганлар, лекин уни алоҳида фан сифатида ривожлантирмаганлар. Абдулқоҳир Журжоний балоғатнинг тамойилларини йиғиб, уни мустақил фан сифатида аниқ қоидаларга асослаб, тизимли шаклга келтирди. Шу сабабдан, у балоғат илмининг асосчиси сифатида танилган.

Балоғат илми Қуръони каримни тушуниш ва унинг маънолари ҳамда сирларини англашда муҳим илмлардан бири ҳисобланади. У ифода нафосати, услуб аниқлиги ва маъноларни таъсирли тарзда баён этишга эътибор қаратади. Қуръонни тушунишда балоғат илмининг аҳамияти бир неча ўринларда намоён бўлади. Биринчиси, Қуръоннинг баёний мўжизасини англаш бўлиб, балоғат илми Қуръони каримдаги балоғат мўжизасини англашга ёрдам беради. Унда сўзларнинг контекстда қандай қилиб ноёб тарзда танлангани ва ифода этилиши кўриниб туради. Бу эса Қуръоннинг Аллоҳнинг мўъжизавий каломи эканлигини англашга олиб келади.

Иккинчиси, нозик маъноларни тушунишга қаратилган бўлиб, унда балоғат илми Қуръон матнидаги нозик маъноларни, айниқса, ташбеҳлар, истиоралар ва рамзий ифодаларни тушунишга ёрдам беради.

Учинчиси, оятларни чуқур тадаббур қилиш бўлиб, бунда балоғат орқали ўқувчи оятлардаги баён тасвирлари ва маъноларни чуқурроқ англайди, бу эса унинг тафаккур ва хузурини оширади.

Тўртинчиси, илоҳий мақсадларни ажратиш бўлиб, унда балоғат илми Қуръонда такрор, олдинга суриш ва кейинга қолдириш, қисқалик ёки кенгайтириш каби

услугларнинг қўлланишидан илоҳий мақсадларни тушунишга ёрдам беради. Матндаги уйғунликни кўрсатиш: балоғат оятлар ва суралардаги мувофиқлик ва боғлиқликни очиб беради, бу эса Қуръоннинг яхлитлиги ва мазмунлараро уйғунлигини намоён қилади.

Бешинчиси, сўз таъсирчанлигини кучайтириш бўлиб, балоғатни тушуниш уламоларга Қуръон услубларига ўхшаш таъсирчан ва ишончли услублардан фойдаланиш имконини беради. Масалан, Аллоҳнинг қуйидаги сўзларида: “Уларга дунё ҳаётининг мисолини келтир. У, Биз осмондан туширган сувга ўхшайди. Унинг сабаби ила ер набототлари аралашиб чиқди. Бас, хашакка айланиб, уни шамол учириб кетди. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир бўлган Зотдир” (Каҳф сураси, 45-оят).

Ушбу оятда балоғат илми ҳаётнинг тез ўтиб кетишига ишора қилувчи осмондан ёғилган сувга ўхшатилиб, ифода этилган. Балоғат илми фақат Қуръон матнини тушуниш воситаси эмас, балки унинг нафосати, баёни ва буюклигини англаш учун кўприк вазифасини ўтайди.

Қуръон маъноларини чуқур очиб бериш мақсадида балоғатнинг маоний илми бўйича бир неча китоблар ёзилган. Масалан, Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф ан ҳақоқиқ-л-ғавомиди-т-Танзил” асари шулар жумласидан саналади. Мазкур китобнинг услуби Қуръондаги сўзларнинг чуқур маъноларини ўрганиш, уларни аниқ ва таъсирчан тарзда қўллашни тушунтиришга қаратилган. Ушбу туркумдаги асарлардан яна бири, Абдулқоҳир Журжонийнинг “Далоилу-л-эъжоз” бунга мисол бўла олади. Унда Қуръондаги балоғат мўъжизасини очиб бериш, маъноларни таҳлил қилиш ва мақсадларни тушунтириш вазифа этиб белгиланган.

Курони Каримнинг балоғатини англашда Абу Яқуб Юсуф Саккокий ўрни беқиёсдир. Хоразмлик олим ўзининг “ал-Мифтоҳ” асари билан Қуръондаги эъжозни англашга жуда катта хисса қўшган. Балоғат ва тафсир манбаларида унинг исми Маҳмуд Замахшарий билан бир қаторда тилга олинади. Ушбу икки олим ҳам илм савиясида ўхшаш бўлгани каби, жисмонан нуқсонли, яъни оқсоқ бўлганлар. Балоғат уламолари уларнинг соҳадаги меҳнатларини юксак баҳолаб, “Агар икки оқсоқ бўлмаганида, Куроннинг балоғати кетиб колар эди”, деб айтганлар.

Хулоса. Балоғат илми Қуръон маъноларини чуқурроқ англашда муҳим ўрин тутаяди. У сўзлар ва ифода усулларининг гўзаллигини, уларнинг маъносига таъсирини ва шу орқали Аллоҳ каломининг мўъжизавий хусусиятларини очиб беради. Қуръон матнларидаги маъно чуқурлиги ва услуб нафосатини англаш учун балоғатнинг уч асосий шахобчалари – маоний, баён ва бадиъни яхши билиш зарур. Бу илм нафақат Қуръон мазмунини аниқ тушунишга, балки унинг фасоҳат ва нафосатини қадрлашга ҳам ёрдам беради

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамий С. А. Шарқ филологиясида балоғат илми назариясининг асосчилари //Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 5 (34). — Б. 224-237.
2. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Куръон илмлари. - Тошкент: «Hilol-Nashr», 2021. - 504 б.
3. Бурхониддин Ахмедов . Балоғат фани бўйича марузалар манти. – Тошкент 2010. – 46 б

4 . <https://islom.uz/maqola/20114>

5. <https://www.aqida.uz/resources/balogat-fani-rivozlanis-bosqiclari/78>



INNOVATIVE
ACADEMY